



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «15» март

№ПК-5026

### Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, инвестициявий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳаларидағи ўзаро манфаатли, амалий шерикликни кенгайтириш ҳамда стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш ва уни аниқ мазмун билан янада бойитишни таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати тузилмасига Россия Федерацияси билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун масъул бўлган **инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринbosари – Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиши маркази директори** лавозими киритилсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирликнинг белгиланган штатлари доирасида 5 штат бирлигидан иборат **Россия Федерацияси билан ҳамкорликни ривожлантириш бошқармаси** ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида савдо-иктисодий, инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик лойиҳаларини сифатли тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш мақсадида Москва шаҳрида ходимларнинг чекланган сони 7 кишидан иборат **инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ваколатхонаси** (кейинги ўринларда – Ваколатхона) ташкил этилсин.

3. Қўйидагилар инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари – Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази директорининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**Россия Федерацияси билан савдо-иктисодий, инвестициявий, молиявий-техник ҳамкорлик лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда рўёбга чиқариш;**

**Россия Федерацияси билан юқори технологиялар, инновациялар, саноат, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш;**

**Россия Федерацияси билан амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар якунлари бўйича эришилган савдо-иктисодий, инвестициявий ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасидаги келишувларнинг сўзсиз ва сифатли ижро этилиши устидан доимий ҳамда тизими мониторинг ва назоратни ташкил қилиш;**

**Россия Федерацияси билан савдо-иктисодий, инвестициявий, молиявий-техник ҳамкорлик соҳаларидаги амалий чора-тадбирлар режалари (“йўл хариталари”)ни сўзсиз амалга ошириш бўйича масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида ташкил этилган “Лойиҳа оғиси” фаолияти доирасида янги саноат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Россия томони билан ҳамкорликда амалга оширишни таъминлаш;**

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази директорига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда:

Ваколатхонани ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини киритсин. Бунда, Ваколатхона тузилмаси, харажатлар сметаси, молиялаштириш манбалари, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаси (фаолиятининг аниқ натижалари учун мукофотлашни ҳисобга олган ҳолда) ҳамда моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалалар акс этсин;

Ваколатхонани малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда унинг фаолият бошлиши билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этсин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда – ЖСТ) билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси негизида вазирликнинг белгиланган штатлари доирасида **Халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ташқи иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил қилинсин.**

Қуидагилар Халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ташқи иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**кўп томонлама савдо алоқалари соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасини халқаро ва минтақавий савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва интеграциялашув жараёнларида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳалари халқаро ва минтақавий савдо ташкилотлари билан интеграциялашув ва ўзаро ҳамкорлик доирасидаги талаб ва меъёрларга мувофиқлигини кўриб чиқиш;**

**Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (кейинги ўринларда – ЕОИИ) ва ЖСТ билан ўзаро ҳамкорлиги доирасида миллий манфаатларни илгари суриш мақсадида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш чораларини олиб бориш;**

**Ўзбекистон Республикасининг ЕОИИ ва ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ масалаларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;**

**халқаро ташкилотларга аъзо бўлишнинг иқтисодий афзалликларини ўрганиш;**

**ташқи иқтисодий сиёсатни мамлакат ички иқтисодий сиёсатига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;**

**интеграцион салоҳият ва рақобатбардош устунликлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий самарага эришишни таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўриш;**

**интеграция жараёнлари доирасида иқтисодий сиёсатни олдиндан прогнозлаштиришни таъминлаш.**

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2885-сон ва 2018 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3997-сон қарорлари ижросини пухта таҳлил қилган ҳолда ушбу қарорлар билан тасдиқланган “Йўл хариталари”ни бирлаштириш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев